

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Олмос Эламанович Эшмурадов

Жиззах вилоят ХТХҚТМО Ҳудудий маркази илмий тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Оилавий ўзаро муносабатлар тизимида боланинг ота-онаси ва бошқа янги яқин қариндошлар билан ўзаро муносабати коммуникатив акт сифатида ундаги мулоқатмандлик даражасини оширади, ўсмирлик даври зиддиятларини осонроқ бошдан кечиришини таъминлайди. Миллий маънавиятимиз сарчашмаларида никоҳ ва оиланинг муқаддаслиги тўғрисидаги ўғитлар жамиятнинг ҳар бир фуқаросини тарбияловчи шундай омиллардирки, улар орқали ёшларда оила ва никоҳ тўғрисидаги монанд тушунча ва тасаввурларни шакллантириш мумкин бўлади.

Калит сўзлар: оила, жамият, миллий маънавият, эркин фуқаро, оила мустаҳкамлиги, оила маънавий-ахлоқий мустаҳкамлиги.

SPIRITUAL AND MORAL CHARACTERISTICS OF THE FAMILY AND THE FAMILY CAPACITY TO ENSURE RESILIENCE

ABSTRACT

In the system of family relationships, the relationship with the child's parents and other new relatives as a communicative act increases the level of communication in it, makes it easier to cope with the conflicts of adolescence. In the sources of our national spirituality, the teachings about the sanctity of marriage and the family are factors that nurture every citizen of society, through which it is possible to form similar concepts and ideas about the family and marriage at an early age.

Keywords: family, society, national spirituality, free citizen, family strength, family spiritual and moral strength.

КИРИШ

Маълумки, оила, унинг жамиятдаги ўрни, шунингдек, оила ичидаги кўп қиррали муносабатлар тизими азалдан турли фан йўналишлари олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда.

Оиланининг ижтимоий институти (ижтимоий психология), этномаданий анъаналар ва кадриятлар объекти (этнография), ижтимоий муносабатлар ўзаги (фалсафа), инсон наслини давом эттирувчи (демография), моддий кадриятлар яратувчи (маданиятшунослик), ижтимоий ҳолати (социология), оиладаги шахслараро муносабатлар, оилавий низолар (психология) сифатида тадқиқ этилишига қарамай, айнан унинг барқарорлигини таъминловчи педагогик тадқиқот сифатида ўрганилганда у ўзининг тўлақонли таҳлил кўламига эришади.[1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кундаги педагогика фани оилани бир томондан, тарбиячи гуруҳ сифатида, иккинчи томондан оила институти - ижтимоий-таҳлилий тадқиқот сифатида ўрганади. Шуниси эътиборлики, оила муаммолари мутафаккир ва олимларни азалдан қизиқтириб келган. Хусусан марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари Имом Бухорий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абдулла Авлоний, Фитрат асарларида оила, унинг ички ҳаёти, инсон камолоти муаммоларининг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган.[2]

Оиланинг ижтимоий-психологик, ижтимоий фаолият-ижтимоий ҳимоя кўринишида қадимий илдизларга эга. Илк диний-фалсафий (Авесто) ва адабий (Алпомиш, Гўрўғли) манбаларда биз инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан педагогик қарашларнинг акс этишини кўрамиз. Кейинчалик VI-VII асрларда Марказий Осиё ҳудудида ислом динининг тарқалиши янги маънавий, ахлоқий кадриятларни шакллантирди ва улар минтақада оила ва жамият тарбияси тизимига таъсир кўрсатди. [3]Моддий барқарорлик ва ишлаб чиқариш ҳамда савдо ривожига эҳтиёжларига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий ҳолат маънавий ва маданий ҳаётнинг юксалишига, дунёвий илм ва фанларнинг гуллаб-яшнашига, форс, араб, қадимги юнон маданияти ютуқларини ўзлаштиришга ёрдам берди.

Ҳап шундаки, Шарқда ва, айниқса, Ўзбекистонда оила нафақат тарихан муҳим ижтимоий институт сифатида мавжуд бўлиб келган, балки ҳозирги замонда глобал ўзгаришларни бошдан кечираётган ва маълум маънода мавқеи заифлашган даврда ҳам жамиятимиз ҳаётида фавқулодда муҳим роль ўйнамоқда. Шу маънода, унинг мустақамлиги муаммолари, унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш мустақиллик шароитида бутунлай ўзгача қарашлар, концепциялар ва парадигмаларни талаб этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мустақиллик шароитида оила мустаҳкамлигига эришиш, унинг барқарорлигига хизмат қилувчи омилларни аниқлаш, уни заифлаштирувчи омилларни бартараф этиш муаммоларини тизимли ўрганиш ижтимоий тадқиқотлар объектига айланган эмас. Бундай тадқиқотлар оила соҳасида самарали ва илмий асосланган сиёсатни амалга ошириш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади.

Бугунги кунда миллий ғоя, миллий мафкура тарғиботи билан кенг жамоатчилик шуғулланмоқда, айниқса, таълим тизимида изчил ўрганилмоқда, дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнларида қўлланилмоқда ёшлар ўз Ватанига содиқ, мард, фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлишга ундалмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси орасида миллий ғоя, мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларини табақалаштириб олиб борилса, қўйилган мақсадга тезроқ эришиш мумкин. Бунда мамлакатимиз аҳолисини икки қисмга: таълим билан қамраб олинган ва таълим билан қамраб олинмаган аҳоли қатламларига ажратиб тарғиб ва ташвиқ қилинса, мақсадга мувофиқ бўлиши тадқиқотда илмий далилланган[4]

Халқимизда яхши урф-одатлар бор. Турмуш қуришдан олдин куёв билан келин томон бир-бирининг сиҳат – саломатлигини сўраб суриштиради, турмуш шароитини ўрганади. Шундан кейингина совчилар бориб, унаштириш маросим ўтказилади. Узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган бу удум аслини олганда, моҳиятига кўра, ҳозирги даврдаги тиббий ирсият маслаҳатхоналари вазифасини ўтаган.

Ёшларимизнинг ирсият қонунларини билишларига ҳар жиҳатдан катта эҳтиёж мавдуд. Чунки бу борадаги билимлари уларни соғлом оила қуришдек бахтга муяссар қилади ва турли касалликларнинг олди олинади.

Маълумки, одам танасида моддий ирсий омил - хромасомалар бўлади. Шунини унутмаслик керакки, ҳар бир инсон вужудида патологик ген рецессив (яширин ҳолатда) бўлиши мумкин. Бу генлар айрим шароитларда, масалан, ичкиликбозлик, чекиш, гиёҳвандлик, ҳомиладор аёллар хасталиклари (камқонлик, буйрак ва юрак касаллиги), эр-хотинда бўлган сурункали инфекция, яқин қариндошларнинг ўзаро никоҳланиши ва ниҳоят, ташқи муҳитнинг одам организмига зарарли таъсири натижасида насл касалликларининг келиб чиқиши ва болаларнинг мажруҳ туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Ирсият фанининг эришган ютуқлари ва аниқ далиллар яқин

қариндошларнинг қуда-анда бўлиши наслга салбий таъсир этишини тасдиқлайди. Қариндошлар орасидаги никоҳларнинг ирсий томондан қандай хавфи бор? Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир организмда рецессив (яширин ҳолда) касаллик белгилари мавжуд. Яқин қариндошлардан бири - она ёки ота, бува ёки буви томонидан авлоддан авлодга рецессив касаллик белгилари ўтиши мумкин. Эр ва хотин бегона бўлсалар, касаллик белгилари ота-онадан ўтган бўлса ҳам, авлодлари фарзандларида салбий ҳолатларнинг юзага келиш хавфи камроқ. Аммо яқин қариндошлардан туғилган фарзандларда салбий сифатларнинг ўтиш хавфи икки баробар кўпдир. Бундан ташқари, ушбу ҳолат ота-онанинг соғлигига ҳам боғлиқ.[5]

ХУЛОСА

Оилада бахтли ҳаёт кечирishга ҳар бир ўғил ва қиз болани эрта ўргатиш, бунинг учун унинг онгида оила муқаддаслиги ва қадрли эканлиги тушунчасини шакллантириши зарур. Тўғри, ўспирин ёшдагиларнинг бундай тасаввурга эга бўлиши қийин албатта, чунки оила-никоҳ муносабатларининг ўзига хослигини билиш, икир-чикир муаммоларини тушуниш масаласи кўпгина ҳаёт тажрибаси ва билимни талаб қилади. Бироқ, у никоҳ қуриш ёшига анча етмасданоқ оиланинг асосий мазмунини ташкил этадиган омилларни тушуна олишлари керак.[6]

REFERENCES

1. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф В.М. Каримова. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008 – 170 б
2. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент: 2003.- Б. 67-95. – 208 б.
3. Ғозиев Э., Тўлаганова Г. Педагогик психология асослари: Ўқув-методик қўлланма. – Т.: «Университет», 1997. – 80 б.
4. Эйдемиллер Э.Г., Юстеский В.В. Семейная психотерапия. - Л., 1989. - 192с.
5. Холматова М., Муравьева Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.